O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 11-yanvar • Payshanba • 5 (27.650) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

14 ЯНВАРЬ — *Ватан ҳимоячилари куни*

Катта лейтенант Хуршид Икромов ҳарбий авиация соҳасига тасодифан келиб қолмаган.

Ўз сафдошлари орасида алоҳида ажралиб турадиган тажрибали зобитнинг отаси Воҳиджон ака шу тизимда узоқ йиллар ишлади. Ҳозир у нафақада. Хуршиднинг акаси Бобур Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясида учувчи — «Як-40» русумли самолётни бошқаради. Укалари Собир ва Зоҳиджонлар эса аэропортда диспетчер бўлиб ишлашади. Самога ва парвозга меҳр қўйган ўзбек оиласининг матонатли ва қатъиятли фарзанди Хуршид Икромов айни кунларда ўз соҳаси бўйича билим ва тажрибасини янада ошириш учун тинимсиз изланмоқда.

Суратда: ҳарбий учувчи, катта лейтенант Хуршид Икромов (чапдан биринчи) ҳамкасблари билан.

Камолиддин ТЎРАЕВ олган сурат

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАШАББУСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Навқирон истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, ёшларга доир, ижтимоий ва хайрия лойиҳаларини амалга ошириш, миллий маданият ва санъатни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда шу мақсадда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш — бугунги кунда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолият олиб бораётган асосий соҳалар ана шулардан иборат. Тошкентда бўлиб ўтган ҳисобот анжуманида жамғарманинг мазкур йўналишлардаги 2006 йилги фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди.

Тадбирда жамғарманинг кўплаб лойиҳа ва тадбирлари ташкилотчилари ҳамда иштирокчилари — санъат, маданият, илм-фан соҳасининг таниқли арбоблари, умумтаълим муассасалари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, жамғарманинг танлов ва дастурлари ғолиблари қатнашди.

Бугун Ўзбекистон катта интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб, унинг манбаларини буюк аждодларимиз қолдирган бой илмий, маданий ва маънавий мерос ташкил этади. Ушбу салоҳиятни ривожлантириш ва кўпайтириш эса мамлакатимиз мустақилликка эришгач, энг муҳим вазифалардан бирига айланди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси амалга ошираётган ишлар ҳам шу мақсадга тўлиқ жавоб беради. Дастлаб ўзбек маданияти ва санъатининг халқаро майдондаги ўзига хос тарғиботчиси сифатида ташкил этилган мазкур жамғарма кейинчалик ўз фаолият доирасини кенгайтирди. Бугунги кунда у ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни миллий даражада амалга оширишни ҳам ўз ичига олади. Жамғарма амалга оширган кўплаб хайрли ва эзгу ишлар мамлакатимиз ҳамда чет элда катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас.

2006 йилда амалга оширилган ишлар кўламини анжуманда келтирилган далиллар орқали яққол тасаввур қилиш мумкин. Масалан, ўтган йили жамғарма мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ва хорижда ёшларга оид 31 та, шунингдек, 20 та хайрия ҳамда ижтимоий тадбирлар, 12 та концерт, 6 та фестиваль, 14 та кўргазма ўтказди. Россия, Япония, Бельгия, Люксембургда 10 та халқаро лойиҳа амалга оширилди. Бундан ташқари, таълим соҳасида учта дастурни амалга ошириш давом эттирилди.

Жамғарма ўтган йили турли лойиҳа ва дастурлар доирасида умумий қиймати 88 миллион сўмдан ортиқ 256 та грант ажратди. Мисол учун, таълим соҳасида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги олий ўқув юртларидан 62 нафар талаба 2006-2007 ўқув йилида ўқишига пул тўлаш учун грантларга эга бўлди. 100 нафар иқтидорли талаба Стипендиялар дастури ғолиби бўлди. Айни вақтда ўтган йили яна бир дастур — таълим тизими ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилган педагогик грантлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш бошланди.

Шунингдек, жамғарма томонидан ўтказилган қатор республика фестиваль ва танловлари ғолибларига ҳам грантлар ажратилди. Ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва уларнинг қобилиятини янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилаётган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг асосий вазифаларидан бири иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашдир. «Янги авлод» республика болалар ижодий фестивалини ўтказиш яхши анъанага айланди. 2006 йилда унда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 500 нафардан ортиқ истеъдодли ўғил-қиз иштирок этди. Уларнинг кўпчилиги ушбу фестиваль туфайли ўз истеъдодини намойиш этиш имконига эга бўлди. Жамғарма томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Навқирон Ўзбекистон» иккинчи республика анъанавий ва замонавий санъат фестивалида эса 200 дан ортиқ ёш мўйқалам усталари ва халқ ҳунармандчилиги вакиллари қатнашди. Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган «Style.uz» Дизайн ва мода ҳафталиги ҳам янги номларни кашф этди.

«Келажак овози» иккинчи республика ёш истеъдодлар танлови 2006 йилда кенг қамровли ёшлар лойиҳаларидан бири сифатида эътироф этилди. Унда мамлакатимиз ёшларининг 10 минг нафардан ортиқ иқтидорли вакили иштирок этди. Жамғарма ушбу танлов ғолибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқди. Шу билан бирга, ушбу дастур ўз ғояларини рўёбга чиқаришда уларга амалий ёрдам бериш, муаллифлик ҳуқуқи ҳамда патентлар олишда кўмаклашишни ҳам ўз ичига олган. Бу олижаноб вазифа янги ташкил этилган «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг фаолият соҳасига ҳам киради. Анжуманда бу лойиҳаларнинг ҳаммаси давом эттирилиши, уларнинг мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган 2007 йил вазифаларига мос келиши таъкидланди.

Жамғарма бошқа кўплаб маданий ва ижтимоий тадбирларда ҳам фаол қатнашди. Унинг шафъелигида ушбу йўналишда кўплаб муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда жамоатчилик саъй-ҳаракатини бирлаштирадиган Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, жамғарма кўп қиррали миллий санъатимизни тарғиб қилишга қаратилган халқаро фаолиятини ҳам кенгайтирмоқда. Бугунги кунда Москва, Пекин ва Токиода унинг ваколатхоналари ишлаб турибди. Анжуманда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова 2007 йил бошида Парижда жамғарма ваколатхонасини очиш режалаштирилаётганини маълум қилди.

Бу жамғарманинг кенг қамровли фаолияти нафақат мамлакатимиз, балки чет элда ҳам кенг эътироф этилаётгани, маданият ва санъат соҳасидаги лойиҳаларни самарали амалга оширишда намуна бўлаётганидан далолат беради.

Ғ.ИВАНОВА, ЎзА мухбири

«ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АСОСИЙ ҒОЯГА — ХАЛҚ МАНФААТИГА БЎЙСУНДИРИЛГАНДИР»

Маълумки, давлат раҳбарларининг Янги йил табриклари замонавий жамият ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланиб қолган. Уларда самимий ва эзгу тилаклар билан бирга якунланаётган йилнинг барча муҳим воқеалари акс этади, келажакка оид режалар ўз ифодасини топади. Айнан шунинг учун ҳам мамлакат янги йилга қандай кайфият билан кириб бораётганини англаш учун у алоҳида диққат-эътибор билан тингланади, ҳар бир ибора таҳлил этилади.

«Ўз мамлакати ва ўз халқи учун ифтихор туйғуларини ифода этадиган сидқидил сўзлар», «Нафақат мамлакатда, балки хорижда рўй бераётган жараёнларнинг холисона, чуқур ва ҳар томонлама таҳлили», «Эртанги кунга бўлган комил ишонч уфуриб турган чиқиш» — чет эллардаги сиёсат ва жамоат арбоблари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини ана шундай шарҳлашмоқда.

Корея Республикаси парламенти депутати, Сувон шаҳрининг собиқ мэри Шим Чэ-ток Ўзбекистон Президентининг мазкур чиқиши жуда вазмин, тинчликпарварлик ва келажакка бўлган комил ишонч руҳида эканлигига эътибор қаратади.

— Ислом Каримов янги ҳаёт қурилиши йўлида қўлга киритилган муваффақиятлар ҳамда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар тўғрисида фахр ва ифтихор билан сўзлаган, — дейди кореялик депутат.

Шим Чэ-токнинг фикр билдиришича, Ўзбекистон Президентининг тафаккурдаги ўзгаришлар, одамлар фаоллигининг ошгани, уларда келажакка бўлган ишончнинг мустаҳкамлангани хусусидаги фикрлари алоҳида эътиборга моликдир. «Бу Корея халқининг қисқа давр ичида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда катта муваффақиятларни қўлга киритишига сабаб бўлган жонкуярлик, меҳнатсеварлик ва келажакка ишонч ғояларига ҳамоҳангдир» — деб таъкидлайди Шим Чэ-ток.

— Мен Ўзбекистонга тез-тез бориб турганим боис республикада рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишларни бевосита кузатиш имконига эгаман, — дейди **«Корея — Ўзбекистон» дўстлик уюшмасининг президенти Ким Юн-сик.** — Шунинг учун мен Президент Каримовнинг ўтган йили Ўзбекистонда демократлаштиришни чуқурлаштириш ва жамиятнинг янгиланиши, сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, давлат қурилишини либераллаштириш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилгани ҳақидаги сўзларини ишонч билан тасдиқлайман.

2-бет

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат

БУ ҲАҚДА...

«Музейлар ва мадрасаларнинг маҳобатли бинолари, Тошкент Ислом университети фаолиятида акс этаётган сермазмун ислом маданияти шаҳарни бутун Осиё қитъасидаги энг ёрқин ислом маданияти марказларидан бири, деб эътироф этилишига сабабчи бўлгани табиийдир.

Узоқ ўтмишдан бошлабоқ мусулмон дунёси тарихида асосий ўринлардан бирини эгаллаб келган, жаҳонга Бухоро, Самарқанд, Хивани туҳфа этган Ўзбекистоннинг гўзал пойтахти энг муҳим исломий марказлардан бири, деб эътироф этилишга ҳар томонлама муносиб.»

БУ ҲАҚДА БМТ Аҳоли зичлиги фонди (ЮНФПА)нинг Ўзбекистондаги вакили Холд Филби Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (SESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилиши муносабати билан «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида таъкидлади.

❖ *ЎзХДП ҳаёти*

«МЕН ХДП САФИДА ЭКАНЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН!..»

Бугунги кунда кўпчилик ЎзХДП аҳолининг қайси табақасини ижтимоий ҳимоялашга бел боғлаганидан яхши хабардор. Шу боис партия ғояларига хайрихоҳлар сони тобора ортиб бораяпти. Сурхондарё вилоятида ҳам партиямиз сафи ташаббускор, эътиқодли, фаол кишилар ҳисобига кўпаймоқда. Биз партиядошларимизнинг айримларидан нега айнан Халқ демократик партиясига аъзо бўлганлиги билан қизиқдик.

Орзикул СОАТОВ, «Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси:

— Партиямиз фаолияти мамлакат тарихи, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғланган. ЎзХДП мафкураси ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принципларини илгари сурар экан, унинг моҳиятида биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ифодалашга алоҳида эътибор қаратилган. Сиёсий партиялар орасидаги рақобат тобора кучайиб бораётган бир пайтда ХДП мафкурасининг устуворлиги ва одамларга қанчалик яқинлигини амалда кўриб турибмиз. Бир сўз билан айтганда, ХДП ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, электоратини аниқ-равшан белгилаб олган партия.

Шахсан ўзим партия ташкил бўлганидан буён унга аъзоман ва элнинг бир оқсоқоли сифатида партия ғояларини тарғиб қилишда фаол қатнашиб келяпман. Мен кўпчилик тенгдошлар ва ёшлар қатори ХДП сафида эканлигимдан фахрланаман.

Гулбаҳор ХОЛХЎЖАЕВА, Шўрчи туманидаги «Азбесс-экспресс» корхонаси раҳбари:

— Партияга ўз хоҳишим билан бундан икки ойча бурун аъзо бўлдим. Нега? ЎзХДП Дастури билан танишар эканман, менга аввало партиянинг меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан тўлиқ таъминлашни ўзининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблаши ёқди. Ахир, ишлаётган одам энг аввало ўзига, қолаверса, жамиятга, давлатга катта наф келтиради.

2-бет

«САЛОМАТЛИК ГАРОВИ»

Маълумки, республикамизда темир моддаси танқислиги муаммосини ҳал қилиш борасида талайгина ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, унни бойитиш бўйича Миллий дастур ҳам амалга оширилмоқда. Дастур доирасида Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда «Ўзбекистон» телерадиоканали ҳамкорлигида республика мактаб ўқувчилари ўртасида «Саломатлик гарови» ижодий ишлар радиотанлови эълон қилинганди.

— 2006 йилнинг 1 октябридан 31 декабригача ўтказилган танловга 200 га яқин иш келиб тушди, — дейди ғоя муаллифи Саида Зокирова. — Мактаб ўқувчилари ўз иншоларида жуда кўплаб таклиф-мулоҳазалар айтишган. Ҳатто уларни амалиётда ҳам синаб кўриш мумкин.

Куни кеча Республика болалар кутубхонасида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 4-мактаб ўқувчиси Зиёда Алламуратованинг иши биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек, 2 та иккинчи, 3 та учинчи ўринни эгаллаган ёшларнинг исми-шарифи эълон қилиниб, уларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Иншоимни ёзишда биология фани ўқитувчимиз Тозагул Тошбоева яқиндан ёрдам берди, — дейди Зиёда Алламуратова. — Уни ноябрь ойида радиога жўнатган эдим. Ижодий ишимда камҳонли болалар учун сиҳатгоҳлар очиш таклифини айтдим.

Маъмуржон МАҲМУД

БУГУНГИ СОНДА

«МАДАНИЯТЛИ МИЛЛАТ»

«Маданиятли халқнинг бир қаноти маърифат бўлса, иккинчи қаноти маънавиятдир...» 2

«ДЎСТЛИК ТЎЙҒУСИНИ ҲИС ЭТИБ...»

«Ўзбекистонга илк бор келишим. Алоҳида таъкидлашни истар эдимки, мамлакатингиз менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу ерда кўрганларимдан бениҳоя ҳайратландим.» 3

«ЎТМИШ ДУРДОНАЛАРИ»

ёки аждодларимизнинг хорижда сақланаётган меъроси ҳақида

«Мирзо Улуғбекнинг Туркияда сақланаётган қимматбаҳо сандиғини, Амир Темурнинг невараси Иброҳим Султоннинг Саудия Арабистонидаги совутини, Эрмитаждаги Мироншоҳ ва Гавҳаршодбегимларга тегишли узукларни қайтариш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда.» 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

МАДАНИЯТЛИ МИЛЛАТ

XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётнинг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаяпмиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар қонига сингдириш учун ҳаракат қиляпмиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзот ёруғ кунларга эришиши муқаррар!

Ислом КАРИМОВ

Маданиятли миллат Ватан озодлигини мустаҳкамлаш йўлида ҳар қандай машаққатларни енгиб ўтади. Маданиятли миллат ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера олади. Ўзини хўрлашларига йўл қўймайди, бошқаларга оёқости бўлмайди. Маданиятли миллат турли тажовузларга қарши туради. Маданиятли миллат яшаётган мамлакатга ўзгаларнинг ёт ғоялари, маданий зўравонлиги суқулиб кира олмайди. Аслида маданият миллатларни бир-биридан ажратмайди, балки янада яқинлаштиради. Маданиятли миллатни пароканда қилиш, уни ўз йўлига юргизиш, мутлақ мағлуб этиш мумкин эмас.

Маданиятли халқ ўзи ва мамлакати ҳақида айтилган, айтилаётган, миллий манфаатига зид бўлган ҳар қандай бўҳтонга бефарқ қарамайди. Ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўяди. Бу йўлда ортга чекинмайди. Курашади, адолатли жангда ғолиб чиқади. Керак бўлса, ўз жонини қурбон қилади. Ориятли миллат ўзи ҳақида ноўрин вайсаётганлар тегирмонига сув қуймайди. Ғаламисларни қўллаб-қувватламайди, хотиржамликка берилмайди. Ҳар қандай куч маданиятли миллатни енга олмайди. Уни ўзи хоҳлаган қўйга сололмайди.

Маданиятли миллат ҳар қандай ташқи хуружга тайёр туради. Душманининг ниятини, нима демоқчилигини олдиндан билади, унга муносиб жавоб қайтара олади. Зўравонлик ва зуғумлардан ўзини муҳофаза қилади. Ташқи таъсир ҳеч қачон ижобий натижа бермаслигини, миллат манфаатига хизмат қилмаслигини англаб етади. Донишмандларнинг қайд этишича, холис яхшилик бўлмайди. Дарҳақиқат, бу дунёда давлатлараро шунчаки яхшилик, ёрдамнинг ўзи йўқ. Ҳамма нарсанинг илдизида очкўзлик, бўйсундириш, қарам қилиш, бир сўз билан айтганда, манфаат деган ёвузлик яширин.

Маданиятли миллат бошқаларга томоша бўлмайди. Хоҳ ижобий ёки салбий бўлсин, мамлакатда юз бераётган барча жараёнлар бевосита ўз тақдирига дахлдорлигини тушуниб етади. Қувонч ҳам, қайғу ҳам фақат ўз-ўзиники эканлигини, ички муаммолар мавжуд бўлса, уни баҳамжиҳатликда ҳал этиш кераклигини тушунади. Аввал ўзига боқмасдан ноғора қоқаётганлар ҳийла-найрангига ўлмайди, ўзгалар чизиб берган чизиққа қайрилиб ҳам қарамайди. Ўз ақли, билими, салоҳиятига таянади, бошқалар маслаҳатига куни қолмайди.

Маданиятли халқ ички иғвогарлик иллатидан халос бўлади. Юқумли касаллик сингари тез ёйилиши мумкин бўлган фисқу фасодни тўқиб чиқараётганлар, ундан наф олишга уринаётганларга қарши қақшатқич зарба беради. Бугун кичкина бир гапдан катта иғво тўқиётганлар эртага мамлакатга, халққа хиёнат қилиши мумкинлигини ҳеч қачон унутмайди.

Маданиятли миллат миллий маҳдудликни бартараф эта олади, ҳар қандай қобиққа тушиб қолишдан ўзини сақлайди. Ўз обрўйига тўғри келмайдиган майда масалаларга аралашмайди. Маданият оқсаган жойда миллат ўз қиёфасини йўқотади. Катта мақсадлар йўлида дадил қадам ташлолмайди. Улуғ маслак бир томонда қолиб, кераксиз, ўринсиз муаммолар гирдобида қолиб кетади. Миллат йўлини ёритиб турган нур ўз ўрнини зулматга бўшатиб беради. Маданият етишмаслиги, маданиятсизлик биргина миллатнинг эмас, балки бутун инсониятнинг душманидир.

Бу ёруғ дунёда иқтидорсиз халқ йўқ, ақлсиз миллат ҳам йўқ. Лекин минг афсуслар бўлсинки, асрлар давомида қуллик кишанига боғланиб қолганлар бўлган ва ҳозир ҳам бор. Жаҳон адабиётининг йирик намояндаси Робиндранат Тагорнинг мана бу сўзлари ушбу фикримизга далил бўла олади: **«Ҳиндлар ақл жиҳатидан японлардан орқада қолиб кетган, деган сафсатага ишониб бўлмайди. Қадимий маданият эгалари бўлган бу икки мамлакат ўртасидаги фарқ шундаки, Ҳиндистонни Англия оёқости қилиб қул ҳолига келтирган бўлса, Япония бирон-бир Ғарб мамлакатига қарам бўлган эмас. Ҳолбуки, бегона маданият намояндалари, агар уни маданият деб аташ мумкин бўлса, мамлакатимизни бошдан-оёқ талаганликларини биз яхши биламиз. «Қонун ва тартиб» деган ном билан юритиладиган, мамлакатимизга тамомила ёт бўлган таёқ шу бегона маданият намояндалари қўлида эди...»**

Минг афсуски, буюк адиб юқоридаги сатрларни ёзганида ҳали Япония ҳам ғарбнинг мудҳиш жиноятлари қурбони бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Маданият танглиги юз берган жамият ҳамиша ҳалокатга маҳкумдир. Чунки, фақат маданиятли миллатгина ҳар қандай шароитда ҳам одил хулоса чиқаради. Ўз ақл-идрокига суянади. Вазиятни тўғри баҳолайди. Рост қайда, ёлғон қайда — барчасини тафаккур ила ўлчайди. Атрофида содир бўлаётган воқеалар мағзини чақади. Дунёдаги энг хавфли иллат — фикр қарамлигидан халос бўлади. Ўзганинг ақл ўргатишига эҳтиёж сезмайди.

Маданиятли миллат ташаббускор бўлади. Нафақат мамлакати, балки бутун инсоният тараққиётига хизмат қиладиган жаҳоншумул фикр, ғояларни илгари суради. Хавф-хатарни бошқалардан олдинроқ илғайди, жамоатчилик эътиборини ўша масалага қаратишга ҳаракат қилади. Ўзининг тўғри таклифи, мураккаб вазиятдаги мулоҳазаси билан бошқа халқларга ўрнак бўлади. Дунё олдида ўз сўзи ва овозига эга бўлади.

Маданиятли миллат бунёдкор бўлади. Яратади. Авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек улуғвор ниятлар билан яшайди. Нафақат шаҳарлар, йўллар, кўприклар қуради, балки ўз қалбида келажакка бўлган буюк эҳтиром, ишонч қўрғонини ҳам бунёд этади. Бутун оламдан, ундаги халқлардан ортда қолмаслик йўлида изланади, машаққат чекади. Буюк боболар меросини тарозининг бир палласига қўйса, бугунги бунёдкорликларни иккинчи паллага қўйиб, ўтаётган ҳар бир кунини тарих саҳифаларига муҳрлайди. Аждодлар олдида қарздорликни, бугунги бурчни, келажак олдидаги мажбуриятини ҳис этади. Бунинг учун эса миллий маданиятни бутун инсоният тўплаган маънавий бойлик билан мустаҳкамлаб бориш зарур.

Машойихлар тўғри таъкидлаганидек, суворий отни ўз измига сололмаса, у эгасини манзилга эмас, балки охурга элтади. Маданиятли миллат ўтмиш хатоларидан тўғри хулоса чиқаради. Келажак режаларини пухта ишлаб чиқади. Бунёдкорлик тамойили бош мақсадига айланади.

Маданиятли халқнинг бир қаноти маърифат бўлса, иккинчи қаноти маънавиятдир. Илмли одам ҳеч қачон жоҳилликка юз тутмайди. Илмли одамни алдаб бўлмайди. У кимларнидир қутқусига учмайди. Маънавиятли киши эса Ватан, Миллат шаънини барча нарсадан баланд қўяди. Фақат миллий таълим-тарбия билан маданият ва маънавият уйғунлашсагина одамларни ҳар қандай пасткашликдан, тубанликдан асраб қолиш мумкин. Теварак-атрофини безаб турган жиҳозанжомлари билан ғурурланиб юрадиган одам ўзининг қанчалик қашшоқ эканлигини сезмайди.

Инсониятга ҳаёт мазмунини бахш этмайдиган билим — бу чинакам билим эмас. Балки хатолар ва янглишлар силсиласидир. Маданият миллатга олижаноблик бағишласа, маърифат унинг дунё олдидаги обрў-эътиборини юксалтиради. Маърифатли миллат нафақат ўзи учун, балки бутун дунё халқлари учун янги-янги имконият эшикларини очиб беради. Ахир инсоннинг яратган ҳамма яхши ишлари биргина у мансуб бўлган халқнинг бойлиги бўлиб қолмаслиги керак. Балки умумжаҳон манфаатларига ҳам хизмат қилиши зарур.

Битта ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз. Ўзбек халқи ҳам асрлар давомида буюк маданиятдан, бутун дунё тан берган маърифатидан, маънавиятидан узиб қўйилди. Фақатгина мустақиллик миллатимизга ўз қадрини, қадриятларини тиклаш имконини берди. Ўзбек деган миллат ҳам маданиятли халқ бўлганлигини, унинг томирларида қадим маданият оқаётганлигини амалда кўрсатди. Халқимиз ўз Йўлбошчиси раҳнамолигида маданиятли миллат эканлигимизни бутун дунёга кўрсата олди. Қайси соҳани олиб қараманг, Ўзбекистоннинг, ўзбекнинг номи дунё бўйлаб озод қанот қоқаётганлигига гувоҳ бўласиз. Маданиятли миллатнинг жаҳон узра жаранглаган мақсад-маслаги шундай: **Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.**

Мухтасар қилиб айтганда, фақат маданиятли миллатгина озод яшашга муносиб. Чунки, мустақиллик қадрини англаб етиш учун ҳам буюк миллатга хос бўлган буюк маданият зарур.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

❖ ЎзХДП ҳаёти

«МЕН ХДП САФИДА ЭКАНЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН!..»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозир корхонамизда 30 нафардан зиёд киши фойдали меҳнат билан банд. Бундан ташқари, корхонамиз касаначилар сафини ҳам кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йилдан бошлаб бир қанча қишлоқ аёлларини фойдали меҳнатга жалб этдик. Улар билан шартнома туздик.

Мен ЎзХДПга ўтганлигимдан хурсандман. Зеро, партиямиз ғояларида жуда хайрли, савобли ишлар мужассам. ХДП ташкилотлари жойларда ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга амалий ёрдам кўрсатишга тобора катта эътибор бермоқда. Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз ҳам бу борада аниқ таклифлар билан чиқаётганидан хабардормиз.

Президентимиз томонидан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши партиямиз танлаган йўл, ғоялар ҳаётий эканлигини исботлади.

Жума ҲАЙДАРОВ, Термиз шаҳридаги «Учқун» маҳалласи оқсоқоли:

— Ёшим етмишдан ошди. Баъзилар менинг шу ёшда ЎзХДПга аъзо бўлганимни эшитиб ажабланишар ёки ҳайрон бўлишар. Аммо бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Чунки, партиянинг халқчил ғоялари менга маъқул бўлди. Шунинг учун унинг сафидаман. Тўғри, биз энди қарилик гаштини суриб уйда ўтиравермасак ҳам бўлади. Лекин, кўп йиллик ҳаёт тажрибамизни ёшларга етказсак, партиянинг дастурий мақсадларини одамларга тушунтирсак, деб ўйлайман.

Фарида ЭСОНОВА, Музработ педагогика коллежи II босқич талабаси:

— Партиянинг Низоми ва Дастури билан танишдим. ХДПнинг ёшларга оид сиёсати менга жуда маъқул келди. Ҳар ким кўнглидаги орзуини амалга ошириш учун мудом ҳаракатда бўлмоғи лозим. Мен ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи партия сафида туриб, ўз орзуларимга эришишни мақсад қилдим. Сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқчиман.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР

Халқ депутатлари Бағдод тумани Кенгаши депутати Ф.Халилованинг ташаббуси, елиб-югуришлари билан Бағдод шаҳарчаси «Иттифоқ» маҳалласи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича хайрли иш амалга оширилди. Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан кичик ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш Дастури бўйича эълон қилинган танловда қатнашган маҳалла лойиҳасига 61,2 минг АҚШ доллари миқдорида грант берилди. Ушбу лойиҳа бўйича 250 метр чуқурликда артезиан қудуғи ковланди. Салкам 6 километр масофага сув тармоғи тортилди. 1700 нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган маҳалла тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди.

Яқинда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан янги йил байрами арафасида тумандаги бир қатор корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари вакиллари туман марказий касалхонасига ташриф буюриб, у ерда даволанаётган беморлар ҳолидан хабар олдилар. Даволанувчиларга ҳомийлик ёрдамлари ва совғалар топширилди. Бу савобли ташаббус халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида маъқулланди ва ҳар ойнинг охирги кунида депутатлар, корхона ва ташкилотлар вакилларининг туман касалхоналари, у ерда даволанаётган фуқаролар ҳолидан хабар олишлари, ҳомийлик ёрдами кўрсатишлари ҳақида келишиб олинди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да тумандаги ХДП фаоллари мана шундай савобли, хайрли тадбирларни кўплаб амалга оширишни режалаштириб қўйишган.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Адлия органлари — мустақиллик йилларида» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Конституциявий суд, Бош прокуратура, Олий суд, Олий хўжалик суди, Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштироқ этди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ф.Отахонов, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда, жумладан, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 8 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони мустақил давлатимиз адлия тизими шаклланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ўтган давр мобайнида адлия органлари мамлакатимиз ва юртдошларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи кўплаб қонун ҳужжатлари тайёрланишида фаол иштирок этди.

Айни пайтда нафақат қонун ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш, балки қонунларни амалда жорий этиш, бир хилда ва аниқ қўлланилишини таъминлаш борасида изчил фаолият олиб борилаётир. Вазирлик томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари такомиллаштирилди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиш, унинг мониторинги ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар бериш тизими ўз самарасини бермоқда.

Суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш, нотариат, адвокатура, ФҲДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда келгусида амалга ошириладиган ишлар хусусида батафсил фикр алмашилди. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда адлия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

«ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АСОСИЙ ҒОЯГА — ХАЛҚ МАНФААТИГА БЎЙСУНДИРИЛГАНДИР»

(Давоми. Бошқи 1-бетда)

Бельгия Археология Қироллик академиясининг аъзоси Ж.Бланкоффнинг қайд этишича, Президентнинг Янги йил табриги ўзининг мазмундор ва самимийлиги билан киши эътиборини тортади. Олимнинг фикрича, табрикда ўз аксини топган рақамлар мамлакат раҳбарияти ўз халқи фаровонлигини юксалтириш йўлида барча тадбирларни амалга ошираётганини яна бир карра яққол тасдиқлайди.

— Маошларнинг 36 фоизга оширилиши ҳамда муҳтож одамларга чорак миллиард доллардан зиёд миқдорда ёрдам кўрсатилишини ҳамма жойда ҳам кўриб бўлмайди, — дейди бельгиялик олим. — 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши эса бу йўналишдаги эзгу ишлар давом эттирилишини яна бир бор тасдиқлайди. Бу, ўз навбатида, мамлакат сиёсий тизимини мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашади.

Брюссель Халқаро муносабатлар мактаби ректори Жеррод Винер Президент И.А.Каримовнинг янги йил табригини шарҳлар экан, 2006 йили Ўзбекистонда амалга оширилган ўзгаришлар, хусусан, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарор ҳамда жамиятни демократлаштиришга йўналтирилган бошқа муҳим қадамлар ҳар томонлама рағбатлантирилмоғи лозим.

— Ўзбекистон барча муҳим масалалар юзасидан ўз қарашларига эга бўлган суверен давлат, қатъий меъёрий асосга эга мамлакат сифатида ўзини намоён этди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон ўз нуқтаи назари ва ўз қарорини нафақат сўзда, балки амалда ҳам намойиш эта оладиган масъулиятли давлат эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим, — деди Ж.Винер.

Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ҚСТИ иқтисодий тадқиқотлар бўлими мудири Гульнур Рахматулина Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳадаги ютуқларига эътибор қаратган.

— Президент ўз маърузасида ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиниши заруриятини қайд этди, — дейди Г.Рахматулина. — Бу эса Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий модернизация жараёнларини давом эттиришга ва ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканини англатгани ҳолда Марказий Осиёдаги барқарорликни мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, халқаро ташкилотлар доирасида интеграциялашув борасидаги ҳамкорликни чуқурлаштираётганини кўрсатади.

— 2006 йилда Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўсиш 7,2 фоизни ташкил қилди, истеъмол маҳсулотларининг экспорти 30 фоизга ошди, олтин-валюта захиралари 33 фоизга, давлат бюджети ҳажми 27 фоизга, аҳолининг аниқ даромадлари 36 фоизга кўпайди. Айни пайтда инфляция даражаси 7 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон етакчисининг Янги йил табригида кўрсатиб ўтилган бу рақамлар иқтисодиётнинг барқарор ривожидан ҳамда аҳоли фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир, — деди ўз шарҳида **Покистон сиёсий тадқиқотлар институти бош директори Холид Раҳмон.** — Иккинчи муҳим фикр эса мамлакат раҳбарияти томонидан жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этиш йўналиши танлаганидан иборатдир. Яна эътиборга молик жиҳати шундаки, таълим, тиббиёт ва ижтимоий таъминот тизимларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарасини бугунок кўриш мумкин бўлиб, улар минтақанинг қолган мамлакатлари ёки бизнинг Покистондагига нисбатан анча яхшироқ.

Мюнхен Шарқий Европа тадқиқотлари институтининг етакчи эксперти М.Трошке Президент Ислом Каримовнинг Янги йил табригида келтирилган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга эътибор қаратди.

— Рақамлар жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Мактаб ва касб таълимини янада ривожлантириш борасидаги режалар ҳам юксак баҳога лойиқдир. Умуман олганда, Янги йил табриги бу маънода ижтимоий ҳимоя борасида алоҳида ўрин тутадиган ислоҳотларни давом эттиришга содиқликдан далолатдир, — деди эксперт.

Очиқ Араб университетининг Кувайтдаги бўлими директори Фаҳд ал-Мекрад мамлакатимизда кўп маротаба бўлган.

— Ўзбекистонга борган чоғимда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида улкан ўзгариш ва янгиланишлар рўй берганига шахсан гувоҳ бўлдим, — деди кувайтлик олим. — Президент Ислом Каримовнинг янги йил табриги билан танишгач, мамлакатда халқ фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Якунланган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг натижалари ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган янги йилга мўлжалланган режалар буни яна бир карра тасдиқлайди.

«Жаҳон» АА

Бири-биридан кўркам бинолар — мустақиллик имкониятлари, миллат маданияти, салоҳияти...

❖ Тадбир

«ЭКОСАН»:
ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Экосан» халқаро ташкилоти фаолларининг 2006 йилнинг экологик якунлари ҳамда 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Экосан»нинг «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишлаб бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирилаётган мақсадли дастури муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, «Экосан» бошқаруви аъзолари, муассис ташкилотларнинг раҳбарлари, қатор вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, «Экосан» фахрийлари, аёллар, ёшлар, журналистлар уюшмалари аъзолари иштирок этдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, «Экосан» халқаро ташкилоти ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» мақсадли дастурининг амалиёти бўйича самарали фаолият олиб борди. Дастурнинг 1-бўлим 21-бандини амалга ошириш мақсадида Оролбўйи минтақаси ва бошқа экологик ноқулай ҳудудларга (жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига 3 мартадан) 20 та «Экосан» саломатлик поездлари юборилиб, 1,4 млрд. сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларига «Экосан» саломатлик поездларида Тошкентдан борган врачлар жамоаси қарийб 20 минг қишлоқ аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга керакли тиббий ёрдам ҳамда маслаҳатлар беришди. Заруратга қараб жойларда жарроҳлик операциялари ҳам амалга оширилди.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида яшовчи кам таъминланган оилаларга ногиронлар, шунингдек, туғуруқхоналар, шифохоналар, мактаб-интернат ва Меҳрибонлик уйларига инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди.

«Экосан» Халқаро ташкилотининг 2006-2010 йилларда экотуризмда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Дастури изчил давом этади ва унинг доирасида «Экосан» халқаро ташкилоти ҳамда «Экосан-Тур» халқаро экологик туризм Маркази Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хайрихоҳлигида шу йил март ойида Нью-Делига (Ҳиндистон) «Экосан» халқаро миссиясини ташкил этади. «Экотуризм тинчлик маданияти ва барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили» шиори остида экофестиваль ўтказилади. Май ойида эса Хитойда «Ўзбекистон — Хитой барқарор экоривожланиш йўлида» шиори остида халқаро экофестиваль ва Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳиятини очиб берувчи кўргазма тақдимоти ҳамда бир қатор тадбирлар ташкил этилади.

Тадбир сўнггида «Экосан» халқаро ташкилоти ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида электр энергетикаси қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергия ресурсларини тежайдиган замонавий технологиялар жорий этиш ва электр энергияси истеъмолчиларини рағбатлантириш мақсадида «Мамлакатимизда ишлаб чиқилган энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишни таъминловчи ва рақобатбардош ускуналар яратиш» республика танловининг якунлари эълон қилинди.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўрин бўш қолдирилди. Тошкент Давлат техника университетининг «Электротехника, электромеханика ва электротехнология» кафедраси олимлари «Асинхрон электроприводлар учун энергия тежовчи ускуна»ни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этганликлари учун иккинчи ўринга муносиб деб топилдилар. Айни пайтда мазкур ускуна «Узметкомбинат» бирлашмасида муваффақиятли ишлатилмоқда, Янги Ангрен ва Тошкент иссиқлик электростанцияларида ҳам жорий этишга тавсия қилинган. Учинчи ўрин — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институтига «Қуёшдан сув иситиш коллектори» лойиҳаси учун берилди.

Шунингдек, танлов ташкилий қўмитаси «Сувни ўтказиш оригинал ускунаси» назарий иши муаллифи Е.Червяковни ҳам танлов мукофотига сазовор деб билди. Ғолиблар «Экосан» халқаро ташкилотининг дипломлари ва «Ўзбекэнерго» компанияси совринлари билан тақдирландилар.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚЎШИМЧА КУЧЛАР

АҚШ президенти Жорж Буш январь ойининг охиригача Ироққа яна қўшимча 20 минг нафар ҳарбийни жўнатишни режалаштирмоқда.

АҚШ Мудофаа вазирлиги вакилининг сўзларига кўра, қўшимча кучлар Ироққа босқичма-босқич жўнатилади ва ҳарбий қисмлар январнинг охирига қадар мамлакатга жойлаштирилади.

Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларга қарши бўлган бир неча сиёсатчи, хусусан, сенатор Эдвард Кеннеди президент Бушнинг ташаббусини қораламоқда.

«МУЗЛАТИБ ҚЎЙИЛДИ»

АҚШ Молия вазирлиги Эроннинг энг йирик банкларидан бирига нисбатан санкция қўллади, яъни «Sepah» банкининг ҳисоб-рақами «музлатиб қўйилди».

Эндилиқда америкалик жисмоний ва юридик шахсларга «Sepah» банк билан ҳар қандай хизмат кўрсатиш турлари бўйича алоқада бўлиш тақиқлаб қўйилди. Шунингдек, ушбу банкнинг АҚШ ҳудудидаги барча шохобчалари ҳисоб-рақамлари ҳам «музлатиб қўйилган».

Америка молия вазирининг ўринбосари Стюарт Леви ўз чиқишида «Sepah» банк Эроннинг ядро дастурига хизмат қилади. Бу муассаса оммавий яксон қилишга қодир бўлган ракеталарнинг сотиб олинишига кўмаклашади» деб баёнот берди.

Эроннинг ядро дастурини молиялаштиришда муҳим роль ўйнайди, деб қаралаётган «Sepah» банк давлат банки бўлиб, у 1925 йилда ташкил этилган.

❖ Банк ва мижоз

МИКРОМОЛИЯ ХИЗМАТИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Ўтган йилнинг май ойи охирларида Президент Фармонига кўра, «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштиришда катта имкониятлар яратди, янги иш ўринлари очилишига замин бўлди. Қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан бахраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар бериш йўлга қўйилди. Имтиёзли кредитлар учун махсус жамғарма шакланди. Буни «Микрокредитбанк» Хоразм вилояти бошқармаси фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Бошқарма вилоятда пул муомаласини барқарорлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш ва муомаладаги накд пул маблағларини қисқартириш бўйича ибратли фаолият олиб бормоқда. Мижозларнинг накд пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондиришни таъминлаш мақсадида пул айланиши ва халқ истеъмоли моллари сотувидан тушган накд пул маблағлари устидан мониторинг ўрнатилди. Банк хизмат кўрсатадиган ташкилот ва муассасаларнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиришга, уларнинг тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва тўловларни вақтида амалга оширишга йўналтирилган ишларга алоҳида эътибор бермоқда.

«Микрокредитбанк»нинг бошқа банклардан фарқи шундаки, ажратган кредитлар тадбиркорликни бошловчилар ва кичик бизнес субъектларига бажонидил хизмат қилади. Яъни, ушбу кредитлар кичикроқ ҳажмда ва кам фоизларда бўлади. Лекин ҳар қандай даврда, ҳар қандай банк учун энг муҳим мезон — мижоз ишончини оқлаш. Ўз навбатида мижоз ҳам ҳар жиҳатдан банкнинг ишончига сазовор бўлиб, микрокредитни аниқ мақсад йўлида йўналтира олса, «қарс икки қўлдан» деганларидек, ҳар икки томон ҳам ютади. Пировардида, бундан жамият фойда кўради.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаганлар, яъни якка тартибда иш юритаётганлар учун бошланғич сармояни шакллантиришга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорларга, (микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари) энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида, фермер хўжаликларига эса энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорида кредитлар берилаётир. Бу кредитлар бир ярим йил муддатга мўлжалланган бўлиб, фоизлари кам — атиги 5 фоизни ташкил этиши диққатга сазовор.

Масалан, банкнинг Боғот филиали мижози «Боғот асал» фермер хўжалигининг асосий фаолият тури — асаларичилик. Ўтган йилнинг 8 август куни мазкур хўжаликка 5 миллион 400 минг сўм микрокредит ажратилганди. Мақсад — аён: асаларичиликни ривожлантириш.

Аслида Худойназар Султонов раҳбарлигидаги бу хўжалик шифобахш неъмат етиштириш билан кўпдан буён шуғулланарди. Аҳолига кўплаб сифатли ва экологик тоза маҳсулот етказиб бераётган фермер хўжалигига тегишли 1100 та асалари уяси мавжуд. Унда 35 нафар ишчи маҳсулот етиштирмоқда. Яқинда яна беш ишчи ўрни яратилди. Кредит фоизлари ҳам вақтида қайтарилмоқда.

«Кичкинтой Бобурбек» хусусий корхонаси эса новвойчиликни йўлга қўйди. У бошланғич сармояни шакллантириш учун банкдан 1 млн. сўм микрокредит сўради. Маҳкам Маткаримов етакчилигидаги жамоа эҳтиёжи банк томонидан қисқа муддатдаёқ қондирилиб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан бирга қўшимча икки ишчи ўрни ҳам вужудга келди.

Яна бир мисол. «Мадад» фермер хўжалигининг асосий фаолият тури — деҳқончилик эди. Ўтган йилнинг октябрь ойида у банкка мурожаат қилиб, техника зарурлигини билдирди. Банк мижознинг эҳтиёжини дарҳол бажо этиб, «ТТЗ-100» трактори сотиб олиш учун 20 миллион сўмлик микролизинг хизмати кўрсатди. Хўжалик ана шу трактор ёрдамида кузги ишларни муваффақиятли бажарди.

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қай даражада долзарб ва муҳимлиги ҳаммага аён. Мазкур қарорнинг амалий жиҳатдан бажарилишига «Микрокредитбанк» туман бўлимлари астойдил кўмаклашиб келмоқда. Чунончи, Урганч туманидаги Қоровул филиали мижози «Эркин» фермер хўжалиги шулар жумласидан. Ишбилармон Робия Тожимуротова раҳбарлигидаги бу хўжаликда ўтган йили қорамоллар сонини кўпайтиришга қарор қилинди. Банк 24 ой муддатга 5,4 млн. сўм микрокредит берди...

Оила бекаси Каромат Матёқубова эса банкнинг Шовот филиали мижози сифатида фаолият юритмоқда. Якка тадбиркор оилада чорвачиликни ривожлантиришга интилмоқда. Ўтган йилнинг сентябрь ойида чорва моллари сотиб олиш учун банкдан маблағ сўради. Банк 18 ой муддатга 5 фоиз устама тўлаш шарти билан 540 минг сўм микрокредит ажратди. Унинг эвазига сотиб олинган қорамолларидан ҳозир мўл сут етиштириш билан бирга нафақат ўз оиласини, балки эҳтиёждан ташқарисини ҳудуддаги аҳолига сотяпти ҳам.

Хивалик Бибижон Ибодуллаева «Назарбек Хударган ўғли» кичик корхонасини ташкил этди. Асосан тикувчилик билан шуғулланган жамоа ўз фаолиятини кенгайтириш ва янги ишчи ўринларини яратишга эҳтиёж сезиб, ўтган йил банкдан 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 24 ой муддатга 5 миллион сўм микрокредит олди. Натижада бу ерда фаолият тури ҳам кенгайди ва 15 нафар аёл иш билан таъминланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳозир бошқарма филиалларида жами 6628 та мижоз фаолият кўрсатмоқда. Банк бўйича биргина 2006 йил давомида хўжалик субъектларига берилган кредит қўйилмалари қарийб 6 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан 1,2 млрд. сўмини микрокредит ва микролизинг хизматлари ташкил қилди. Тадбиркорлик субъектларида 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Берилган маблағлар асосан бошланғич сармояни шакллантириш (300 млн. сўм) ва микролизинг хизматлари учун (200 млн. сўм) йўналтирилди. Банкнинг ўз маблағларидан берилган кредитлар 1 млрд. сўмдан ошди...

Бошқарма жамоаси «Ижтимоий ҳимоя йили»да ўз янги иш режаларини қатъий белгилаб олиб, бутун диққат-эътиборини тадбиркорлик ва оилавий бизнес субъектларига микрокредитлар бериш ҳамда микролизинг хизматлари кўрсатишга қаратмоқда. Шунингдек, хусусий тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи касаначилар фаолиятини ривожлантириш масалалари кўзда тутилган амалий саъй-ҳаракатлар бошлашди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Франция президенти жаноб Ж.Ширакнинг маданий алоқалар соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича вакили Валери Терранова Ўзбекистонда бўлиб қайтди. У мамлакатимиз бўйлаб сафари давомида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат этди. Франциялик меҳмон ватанига қайтиши олдидан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлди.

ДЎСТЛИК ТУЙҒУСИНИ ҲИС ЭТИБ...

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Алоҳида таъкидлашни истар эдимки, мамлакатингиз менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу ерда кўрганларимдан бениҳоя ҳайратландим. Кўплаб ватандошларим Ўзбекистонга келиб, бу ердаги мўъжизавий осори-атиқаларни кўришга, ўзбек халқининг меҳмонларга нисбатан очиқ-кўнгиллиги ва самимийлигидан баҳраманд бўлишга ошиқаётгани бежиз эмас экан. Айниқса, Самарқанд ва Бухоронинг тарихий ва маданий диққатга сазовор жойлари мени ўзига мафтун этди. Барчага маълумки, бу кўҳна шаҳарлар умумбашариятнинг мероси ҳисобланади. Ўзининг дастлабки кўринишини сақлаб қолган ажойиб меъморий ёдгорликлар бунинг ёрқин далилидир. Бу шаҳарларда қарор топган кўҳна ҳамда бетакрор меъморчилик ва бунёдкорлик манзаралари бир лаҳзада мени сеҳрлаб қўйди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда тарихий-маданий қадриятларни сақлаш ва қайта тиклаш, халқ ҳунармандчилиги масалаларига нисбатан жиддий муносабатни улар аввалаб-асралаётганини кўрдим.

— Ўзбекистондаги қатор вазирлик ва идораларда бўлиб ўтган учрашувлар тўғрисидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Суҳбатларимиз чоғида биз маданият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва уни кенгайтириш истиқболлари, ижодий ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш масалалари, шунингдек, Франсияда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш имкониятлари хусусида ўзаро фикр алмашдик. Биз Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб ўтказилажак тантаналарда Франциянинг иштироки масаласини ҳам муҳокама қилдик.

— Сизга маълумки, Ўзбекистонда ҳам Франсияда бўлгани сингари турли дин ва миллатлар вакиллари яшайди. Мамлакатимиздаги толерантлик ва диний бағрикенглик билан боғлиқ вазият юзасидан сизнинг қарашларингизни билишни истар эдик.

— Толерантлик — ҳар бир жамият учун муҳим ва мураккаб муаммо. Турли дин ва миллатларнинг бирга яшаши, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабатлар ва меҳмондўстлик — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ўзига хосликларидир. Айнан шу боис ҳам бутун жаҳонда ўзбек халқи ҳақида яхши фикр билдирилади. Бунга мен Ўзбекистонга ташрифим давомида яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Шу фурсатдан фойдаланиб, Янги йилнинг илк кунларида ўзбек халқига энг эзгу тилакларим ва самимий ҳурматимни билдиришни ҳамда ўзим туйган дўстлик ҳис-туйғуларимни изҳор этишни истар эдим.

Суҳбатдош:
Замира АЗИЗХОНОВА
«Жаҳон» АА

КУЛДИРМАЙДИГАН КОМЕДИЯ

Германияда диктатор ва фашизм етакчиси Адольф Гитлер ҳақида комедия жанрида фильм яратилди.

Германия яҳудийлари марказий кенгаши режиссёр Дэни Леви томонидан суратга олинган фильмни муҳокама қилиб, танқидий фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Кенгаш вице-президенти Дитер Грауманнинг фикрича, яҳудийларни йўқотиш, уларга қирон келтириш мавзуси комедияда кенг ёритилган ва бунинг ҳеч бир кулгили жойи йўқ. «Мен ўзим яҳудийларга етказилган азоб-уқубатларни бошдан кечирган оилада ўсганман. Эсдан чиқариб бўлмайдиган кўп воқеа-ҳодисаларни кўрганман. Мен Гитлер ҳақидаги комедияни томоша қилдим, лекин кулолмадим» деди Грауманн.

Айрим кинотанқидчилар ва кўпчилик яҳудийлар бу фильм ёшларда Гитлерга нисбатан умуман бошқача қараш пайдо бўлишига хизмат қилиши мумкинлигини айтишмоқда. Уларнинг фикрича, фильмни томоша қилган ёшларда Гитлер диктатор бўлмаган ва у даражада ёвузлик ҳам қилмаган, яҳудийларга оммавий қирон келтиришга эса ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, фақат у яҳудийларни Мадагаскарга бадарға қилишни орзу қилган экан-да деган таассурот уйғотади.

Кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлаётган фильм тақдимоти Эссен шаҳрида бўлиб ўтган.

Ҳа айтганча, фильм режиссёри Дэни Левининг ўзи ҳам яҳудий.

ИЧИБ ОЛГАН УЧУВЧИЛАР

Яқинда Норвегиянинг Берген шаҳрида украиналик уч нафар учувчи «ушланди». Гап шундаки, улар учиш олдидан «оқи»дан отиб олишган экан.

Норвегия полицияси томонидан спиртли ичимликни истеъмол қилганликда ва шу билан учишни таъминлаш қоидасини бузганликда гумон қилиниб, қўлга олинган учувчилар «АН-22» русумли транспорт самолёти экипажи аъзоларидир.

Украина Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбарининг ўринбосари Василий Кирилычнинг сўзларига кўра, экипажнинг қўлга олинган аъзолари белгиланган қатъий тартиб-интизомни бузиб, учишдан олдин спиртли ичимлик ичишганлигини тан олишган. Бу ўтказилган экспертиза натижаларида ҳам тасдиқланган.

Норвегия қонунчилигига кўра, учиш бўйича тартиб-интизомни бузганлар икки йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин ёки 70 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлайдилар. Бироқ уларга шафқат қилинди – Норвегия суди уларни «атиги» 1 ой қамоқ жазосига маҳкум этди.

СЕРДАРОМАД ЖАНГ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

Маълумки, россиялик оғир вазнли боксчи, жаҳон чемпиони Олег Маскаев билан курашга нигериялик Сэмюэл Питер, украиналик Владимир Кличко билан жангга эса америкалик Рэй Остин асосий даъвогар эди.

Лекин Москва шаҳри мэри Юрий Лужков Олег Маскаев билан Владимир Кличко ўртасида жанг уюштиришга қизиқиш билдирмоқда. Лужков Маскаевнинг иш юритувчиси Деннис Раппапортнинг бу борадаги ташаббусини қўллаб-қувватлаган. Бу жанг Москвада, шу йилнинг 21 апрель куни «Олимпийский» спорт мажмуасида ўтказилиши кутиляпти. Ташкилотчиларнинг фикрларига қараганда, жанг сердаромад бўлиши керак. Барча харажатлар ҳисобкитоб қилиб бўлингач, 10 миллион доллар ҳар иккала боксчига тенг бўлиб берилар экан.

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР №1 НА 2007 ГОД, НА ПРИОБРЕТЕНИЕ НИЖЕСЛЕДУЮЩИХ МАТЕРИАЛОВ С ПОСТАВКОЙ СОГЛАСНО ГРАФИКА (1-3 КВАРТАЛ 2007 ГОДА):

1. Профиль зетовий для хребтовой балки Z-310, L-12700, марка стали 345-09Г2С-14 категории, ГОСТ 5267.0-90, 5267.3-90,19281 в количестве 607 тонн.
2. Швеллер 20В-2 из лигерованной стали 09Г2С-14 категории, ГОСТ 5267.1-90, 5267.0-90,19281 в количестве 350 тонн.
3. Прокат листовой 12х2000х6500 марка стали 09Г2С-13(14) категории, ГОСТ 19281, 19903 в количестве 532 тонн.
4. Прокат листовой 10х2000х6500 марка стали 09Г2С-13(14) категории, ГОСТ 19281,19903 в количестве 866 тонн.
5. Прокат листовой 8х2000х6000 марка стали 09Г2С-13(14) категории, ГОСТ 19281,19903 в количестве 356 тонн.
6. Прокат листовой 4х1500х6000 марка стали 09Г2С-13(14) категории, ГОСТ 19281,19903 в количестве 550 тонн.
7. Прокат листовой 4х1500х6000 марка стали 3сп/пс, ГОСТ 16523, 14637, 19903 в количестве 506 тонн.
8. Эллиптические днища котлов, размер 3000х12х600 мм, марка стали 09Г2С-13(14) категории, ГОСТ 6533 в количестве 200 штук.
9. Прокат листовой 2 мм. марка стали 10 ХНДП в количестве 100 тонн.
10. Прокат листовой 3 мм. марка стали 10 ХНДП в количестве 350 тонн.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилгитаъмин», комната, 410, тел: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

❖ Миллат ва тарих

ЎТМИШ ДУРДОНАЛАРИ

ЁКИ ХОРИЖДА САҚЛАНАЁТГАН АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ ҲАҚИДА

Мустақиллик йиллари халқимиз маънавий ҳаётида юз берган энг муҳим ўзгариш — бу мамлакатимизнинг ҳаққоний тарихини тиклаш, унинг очилмаган қирраларини тадқиқ қилиш ва дунёга намоён этиш бўлди. Ана шу хайрли амалларнинг мантиқий давоми сифатида бугун чет элда сақланаётган ҳамда бевосита ўтмишимиз билан боғлиқ бўлган осори-атиқаларни ўрганиш бобидаги ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда тарихчи олимларимиз томонидан олиб борилган чуқур тадқиқотлар самараси ўлароқ мамлакатимиз тарихига оид кўплаб нодир буюмлар дунёнинг қатор давлатларидаги музей ва коллекцияларда сақланаётгани аниқланди. Бу ноёб меросниг аксарияти темурийлар даврига мансуб эканлиги эътиборлидир.

Ҳозирги пайтда Англияда 225 та, Мисрда 877 та, Россияда 74 та, Туркияда 52 та, Эронда 12 та, Ҳиндистонда 3 та, Германияда 35 та, Францияда 23 та, АҚШда 25 та, Австрияда 1 та, Италияда 3 та, Португалияда 2 та ўтмишимизга тегишли буюм сақланмоқда. Масалан, Истанбулдаги Тўпҳопи музейида «1-220» рақам билан сақланаётган дастаси аждаҳо тасвирли қилич бор. У Марказий Осиёда, айнан темурийлар даврида тайёрланган. Тобланган пўлат ва оқ нефриддан ясалган мазкур қиличнинг безаклари олтиндан бўлиб, унда куч-қудрат тимсоли акс этган.

Ана шундай буюмлардан бири Султон Ҳусайн Мирзога атаб 1470 йилда Ҳиротда йўл-йўл ақиқ (агат) тошидан ясалган қадаҳдир. Қадаҳнинг ўлчами 5,5х9 см., айни пайтда АҚШдаги Судовар коллекциясида сақланади. Унинг атрофида шундай ёзувлар бор: *«Алвон майдин хабар еткувчи ул қадаҳ Жамшиднинг минг жомидан аълодур. Унга қирмизи май тўлдирилган фурсат воажаб ул май эмас шамсдин баҳра олгон булут турур дерсиз. Май қуйилган ҳамон осмондин булут қуйилгандек бўлур, атрофи гирдоб билан ўралган уммон пайдо бўлур. Йўқ, йўқ ул оддий қирмизи май эмасдур, ул тоғ конидин оқиб тушган мисли ётутдур.»*



1996 йили халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Ўша йили Президентимиз Парижда ташкиллаштирилган Темурийлар даврига оид халқаро кўргазмага таклиф этилди. Анжуманда Франция Президенти Жак Ширак мамлакатимиз раҳбарига дўстлик рамзи сифатида тарихий хатнинг нусхасини совға қилди. Бу хат бундан етти аср муқаддам Амир Темур томонидан Француз қироли Карл VI га юборилган мактуб бўлиб, Париждаги Лувр музейида сақланиб келган. Айни пайтда ушбу факсимиле нусха Темурийлар тарихи давлат музейи экспонатлари сафидан жой олган.

Шу ўринда хориждаги тарихимизга оид буюмларни Ватанимизга қайтариш борасидаги ишларни ҳам тилга олиб ўтиш лозим. Бунинг учун мазкур иш билан шуғулланувчи махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Комиссиянинг қарийб ўн йиллик изланишлари ўлароқ Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзбекмузей» жамғармаси ҳамкорлигида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Темурийлар тарихи давлат музейида темурийларга оид буюмлар ҳақида ҳикоя қилувчи катта фото кўргазма ташкил қилинди.

Албатта, булар дастлабки қадамлар бўлиб, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Ҳозирда Мирзо Улуғбекнинг Туркияда сақланаётган қимматбаҳо сандиғини, Амир Темурнинг невараси Иброҳим Султоннинг Саудия Арабистонидаги совутини, Эрмитаждаги Мироншоҳ ва Гавҳаршодбегимларга тегишли узукларни қайтариш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда. Булар, шубҳасиз, халқимиз ўтмишини тиклашда муҳим қадамлардир.



Фазлиддин РАҲИМОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи ходими

✧✧✧

Суратларда: *қимматбаҳо тошдан ясалган қадаҳ (XV аср) ҳамда Мироншоҳ Мирзо узуги.*

❖ Спорт



Рауф ИНИЛЕЕВ:

«ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ»

Мамлакат Футбол федерацияси Рауф Инилеевни Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббий этиб тайинлади. Футбол федерациямиз билан бу мутахассис ўртасидаги шартнома муддати шу йилнинг июль ойида ўтадиган Осиё чемпионати охиригача.

Хабарингиз бор, асосини 23 ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси Рауф Инилеев бош мураббийлигида XV Осиё ўйинларида муносиб иштирок этди. Айни вақтда ишқибозлар ва мутахассислар мамлакатимиз бош жамоасининг Рауф Талгатович раҳбарлигида ижобий натижаларга эришишига умид билан қарашмоқда.

Биз мухлисларни қизиқтираётган айрим саволлар билан Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янги бош мураббийига мурожаат қилдик.

— ЎФФнинг мазкур қарорини кўпчилик табиий ҳол сифатида қабул қилди. Аммо, Осиё ўйинларидагидан фарқли ўлароқ, қитъа чемпионати олдидан зиммангизга ниҳоятда жиддий ва машаққатли вазифа юклатилмоқда. Ўзингизга билдирилган бу юксак ишончни қандай қабул қилдингиз?

— Миллий терма жамоада ишлаш энг масъулиятли ва шарафли вазифа ҳисобланади. Айни чоғда кўнглимдаги ҳис-туйғулар ҳам шунга яраша. Мамлакатимиз бош жамоасида иш бошлагунимга қадар ўсмирлар, ёшлар, Олимпия ҳамда 2006 йилда 23 ёшли футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаларида ишлаганман. Эндиликда менга миллий терма жамоани ишониб топширишди. Кейинги вақтларда бу лавозимда хорижлик мутахассислар фаолият юритиши анъана тусини олганди. Энг муҳими, ҳозир маҳаллий мураббийларга ишониш мумкинлигини амалда кўрсатиш фурсати келди. Бу борада ҳеч нарсадан чўчиётганим йўқ ва аксинча, ўзимни кўрсатиш учун бор тажриба ва маҳоратимни ишга солишга тайёрман.

— Терма жамоа мураббийлар штабида ўзгаришлар бўладими?

— Аввало, футбол юлдузи билан ҳамкорликда ишлашади. Шунингдек, жисмоний тайёргарлик бўйича Мирко Йеличичнинг ёрдами жамоага асқотади.

— Шу йилнинг июль ойида ўтказиладиган Осиё кубоги баҳсларида миллий терма жамоамизнинг имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Қуръага кўра, футболчиларимиз Малайзияда уюштириладиган «С» гуруҳи баҳсларида қатнашадилар. Бу гуруҳдан мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Эрон ҳамда Хитой терма жамоалари жой олишган. Айни пайтда барча рақибларимиз тўғрисида маълумотлар тўплаяпмиз. Дастлаб эронликлар хусусида тўхталсам. Бу жамоанинг етакчи ўйинчилари Европада, жумладан, Германия бундес лигасида иштирок этади. Хитойда ҳозир спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Тез орада хитойликлар АҚШ вакилларини ҳам ортда қолдиришса ажабланмайман. Мезбон — Малайзия терма жамоасига қарши учрашув ҳам осон бўлмайди. Аммо шуни ишонч билан айтишим мумкинки, футболчиларимиз бу терма жамоаларга қарши муносиб ўйин намойиш эта олади. Қитъа чемпионатида ўзимизни кўрсатиш учун куч ва имкониятларимиз етарли, деб ҳисоблайман.



— Осиё чемпионати баҳсларига қандай ҳозирлик кўрилади?

— Яқин орада Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ушбу нуфузли мусобақага тайёргарлик дастури ва режаларини ишлаб чиқамиз. Футболчиларимиз илк ўртоқлик учрашувини 7 февраль куни Қаршида Озарбайжон терма жамоаси билан ўтказади. Бундан ташқари, қитъа чемпионатига қадар Хитой-Тайпейи, Хитой вакиллари билан ҳам учрашувлар уюштириш режалаштирилган. Шунингдек, ЎФФ Европа мамлакатлари терма жамоалари билан ҳам ўртоқлик ўйинлари ўтказиш борасида музокаралар олиб бормоқда.

— Терма жамоа таркибида қандай ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда?

— Вақт ўтгани сайин терма жамоа таркибида ўзгаришлар амалга оширилади. Бир нарсани аниқ айтишим мумкинки, 23 ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоасининг асоси миллий терма жамоа таркибига ҳам ўтади. Масалан, Виталий Денисов, Азиз Ҳайдаров каби футболчилар таркибга жалб қилинади. Россия, Қозоғистон ва Украинада тўп сураётган легионерлар ҳозирда ўз клублари таркибида янги мавсумга тайёргарлик кўришмоқда. Улар ўз клубларининг асосий таркибидан жой ололмасалар, бизда муаммолар пайдо бўлади. Клубнинг асосий таркибига ўрнашиб олсалар, бу биз учун ҳам фойда. Миллий терма жамоани уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, легионерларни ҳам албатта таркибга жалб қиламиз.

Эркин ХОЛБОБО ёзиб олди.

«ЧЕЛСИ» ЎЙИНЧИЛАР ОЛМОҚЧИ, АММО...

Лондоннинг «Челси» клуби соҳиби Роман Абрамович жамоа бош мураббийи Жозе Мауриньога баъзи футболчиларни сотиш эвазига янги ўйинчилар олишни амалга ошириш лозимлигини уқтирди. Бундай ўзига хос сиёсатни ярим ҳимоячи Шона Райта-Филлипснинг «Вест Хэм» клубига ўтишдан бошлаш лозим, деб ҳисобламоқда. Аммо, Англиянинг «The Sun» нашрида ёзилишича, Абрамович ҳамон жамоани мустаҳкамлаш мақсадида янги ўйинчилар олиш учун ҳар қандай сарф-харажатга тайёр экан. Хусусан, ҳозир «Челси»га «Манчестер Сити» клуби ҳимоячиси Мики Ричардсни олиш ҳақида музокара юритилмоқда.

ФИФА ҲИСОБОТИДА ЭСГА ОЛИНМАГАН

Ҳалқаро футбол федерациялари ассоциацияси ўтган йил ёзда Германияда ўтказилган жаҳон чемпионати бўйича ҳисобот тайёрлади. Қизиғи, чемпионат финалида Франция ва Италия жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувда Зенидин Зидан билан Марко Матераццининг ўзаро жанжаллашиб қолгани ҳақида ҳисоботда ҳеч нарса дейилмаган. Аксинча, чемпионатнинг ташкилий жиҳатдан яхши уюштирилгани, мухлислар ва футболчилар сафи кенгайгани, футболнинг тобора оммавийлашиб бораётгани ҳақида фикр юритилади.

Ҳисоботни тайёрлашда ФИФА президенти Зепп Блаттер, УЕФА президенти Леннарт Юханссон ҳамда жаҳон чемпионати ташкилий қўмитаси раҳбари Франц Беккенбауэрлар иштирок этган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси» қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов савдосини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лот №

5/7. Косон туманидаги 784 ўринли 41-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш.
6/6. Косон туманидаги 12-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш.
10/16. Чироқчи туманидаги 165-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш.
11/8. Шаҳрисабз туманидаги 6-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш.
12/11. Яккабоғ туманидаги 12-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш.

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси».
Манзил — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси 3-уй. Телефон: (8-375) 227-16-56, 227-19-82.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, «Хонобод шоссеси» кўчаси, 5-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. *Тел/факс: (8-375) 223-10-63.*

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:

Олдиндан малакасини аниқлаш бўйича бир тўплам (биринчи босқич) тендер ҳужжатлари нархи 30 000 сўм. Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (иккинчи босқичга) ўтган оферталарга танлов ҳужжатлари нархи — 30 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин, «Буюртмачи» — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси» биносида ўтказилади.

Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг маъмурий биноси қурилишини якунлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 830373,0 минг сўм.
Қурилиш муддати — 240 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.
Тел/факс: 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй,
Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Olim MURODOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Baxtiyor DO`SJONOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 46

14373 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda